



Азиза МЎМИНОВА

катта илмий ходим-изланувчи
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЯНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТИЛШУНОСЛИКДАГИ ЎРНИ ХУСУСИДА

Мақолада лингвокультурология тилшуносликнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида тадқиқ этилади. Лингвокультурологиянинг миллий маркерланган тил бирликларини ҳамда маданиятлараро алоқалар шароитида нутқни тушуниш жараёнларини ўрганиши масалалари асослаб берилди.

В статье речь идет о лингвокультурологии, которая является одним из актуальных направлений в лингвистике. Лингвокультурология призвана изучать национально маркированные языковые единицы и процессы понимания речи в условиях межкультурной коммуникации.

The article focuses on linguoculturology which is one of the most leading trends in linguistics. Linguoculturology aims at studying the national language marked units and processes of speech understanding in cross-cultural communication.

Калит сўзлар: лингвомаданият, тил, маданият, лисоний бирлик, миллий ўзига хослик, нутқ, маданиятлараро коммуникация.

Ключевые слова: лингвокультурология, язык, культура, национальная специфика, речь, языковая единица, межкультурная коммуникация.

Key words: linguoculturology, language, culture, national-specificity, speech, language unit, intercultural communication.

XX асрнинг 90-йилларида тилшунослик билан маданиятшунослик орасида янги фан соҳаси, яъни лингвокультурология (лингвомаданиятшунослик) пайдо бўлди. У тилшуносликнинг мустақил йўналиши сифатида тан олинди. Лингвокультурология – етакчи лисоний тадқиқотларидан бири ҳисобланиб, тилнинг руҳи ёки ментал тил ҳодисалари билан боғлиқ бўлган нутқий мулоқотни миллий-маданий ташкил этиш

қоидаларини ўрғанади. Шунинг билан бирга халқ руҳиятининг тилдаги инъикосини ифодалайди.

Агар культурология инсоннинг табиат, жамият, санъат, тарих ва бошқа ижтимоий ва маданий борлиқ соҳаларида ўз-ўзини англаш хусусиятини ўрганса, тилшунослик тилда дунё лисоний манзарасининг ментал моделлари сифатида акс этувчи дунёқарашни ўрғанади. Лингвокультурологиянинг асосий тадқиқот предмети эса доимий ўзаро таъсирлашиш ҳолатида бўлган ҳам тил, ҳам маданият ҳисобланади.

Маданият – мураккаб, серқирра ҳодиса, у коммуникатив фаолиятли, яхлит ва рамзий табиатга эга. У инсоннинг моддий қадриятларни ижтимоий ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш тизимидаги ўрнини белгилайди. У яхлит, ўзига хос индивидуалликка, умумий ғоя ва услубга эга, яъни бу ҳаёт билан мамот, руҳ билан моддийлик ўртасидаги курашнинг алоҳида кўринишидир.

Маданият – инсоннинг макон ва замонда фаолият юритишига имкон берувчи махсус шакл ҳисобланади. Маълумки, шахснинг ҳаёт кечиришида амалга ошириладиган барча хусусиятлари маданият орқали жамият ичида рўёбга чиқади. Демак, жамоа вакили деб эътироф қилинадиган инсоннинг маданий фаолияти унинг ўзига боғлиқ, шу сабабли маданият жамиятнинг ажралмас қисми ҳисобланади ва уни ўрганиш жамиятни ўрганишга айланади (6, 229).

Маданият шахснинг ва у орқали жамоалар ҳаёти ва фаолияти билан зич алоқа ўрнаиши боис инсоннинг хулқ-атвори, онги, фаолият юритиши ва яшаш муҳитини белгилаб берувчи махсус омил бўлиб, у инсон ҳаётида қўлланиладиган предметлар, меҳнат қуроллари, санъат асарлари ҳамда тил воситаларини мужассамлаштиради.

Маданият қанчалик чуқур ва тафсилотлари билан ўрганилса, унинг инсон фикрлаши билан боғлиқ эканлиги яққол сезилади. Шундай экан, инсон кўз ўнгида акс этган воқеа-ҳодисаларни маданияти орқали онгига сингдиришга ҳамиша интилади.

Инсоннинг ҳаёт кечиришида керакли предметлар ҳамда юзага келадиган воқеа-ҳодисаларни маданият воситаси деб фикр юритса ҳам бўлади. Масалан, қуёшни ёки ойни маданиятга киритиш бир томондан мумкин эмасдек кўринади. Аммо барча халқлар маданиятида ушбу тушунчаларнинг мавжуд эканлиги маълум. Лекин баъзи салқин об-ҳаво шароитида яшовчи Европа халқлари (славянлар ва германлар) қуёшни иссиқлик, ардоқлаш ва илтифот белгилари сифатида ижобий баҳолайди. Араб давлатлари маданиятида эса қуёш ёз пайтида уларни қийин аҳволга солувчи жазирама ҳароратга тенглаштириб,

салбий баҳоланади. Демак, қуёшни фақат табиат ҳодисаси эмас, балки маданият маҳсули сифатида тушунса бўлади.

Жанубда яшовчи халқлар маданиятида ой алоҳида эътироф билан тилга олинади. Руслар онгида у қоронғулик, охират билан боғланиб, баъзида ҳаёт ва мамот билан (жить "под луной", " в подлунном мире" - ҳамманинг ҳаёти бирдек шароитда кечади) тасаввур қилинса, ой нури бошқа славянларда ҳомиладор ҳамда норасидалар учун хавфли, зиён келтирадиган ҳодисага таққосланади. Вьетнамликларда эса бошқа жанубий Осиё халқларидаги каби ойга муносабат тамоман бошқача, яъни улар ой календари бўйича яшашади, махсус нишонландиган Ой байрами болаларнинг сеvimли байрами ҳисобланади. Гўзал, нозик ва беғубор ёш қизлар ойга ўхшатилади, севишганлар ой ёруғида гурунглашиб, унга бағишлаб шеърлар тўқишади ва қўшиқлар айтишади. Шунинг учун Вьетнам халқи ҳаётидаги барча эзгуликларни ой орқали тасаввур этадилар.

Шу каби ойга муносабат ўзбек халқига ҳам мансуб эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки ўзбекларда ой қуёшдан нур олиб, ёғду сочувчи самовий жисмгина эмас ("ойни этак билан ёпиб бўлмайти"- мақол), балки "гўзал, чиройли юз" ("ой юзинг қора чиммат зулмидан қутилтирғил. "Жуда гўзал, жуда ҳам чиройли" ("Ой деса ойга, кун деса кунга ўхшайди"), сафарга кетаётган кимсага яхшилик тилаш ("Ой бориб омон қайт") маъноларида ишлатилади (9, 526). Шунини айтиб ўтиш жоизки, рус халқида ҳам "лицо, как луна" ибораси гўзалликка тан беришни англатади.

Бунга ўхшаган мисолларни бошқа халқлар маданиятида ҳам кўплаб учратиш мумкин.

Турли халқлар маданиятида мавжуд юқорида келтирилган ўзига хос алоҳидаликларнинг тилда акс эттирилишини ўрганиш лингвокультурологиянинг асосий вазифаларидан биридир (3).

Лингвокультурология тилшуносликнинг ёш, янги соҳаси бўлса-да, бироқ унда фразеологик, концептологик, лексикографик ва лингводидактик йўналишлар шаклланиб улгурган.

Мазкур фаннинг асосий вазифаси – тил билан маданиятнинг боғлиқ томонини, яъни маданиятга оид тушунчаларнинг тилда ва унинг турли воситаларида ифодаланиш усулларини ўрганиш, тил ва халқ менталитети ўртасидаги ўзаро алоқаларни тавсифлашдан иборат. Ўзбекистондаги бир қатор олимлар, хусусан, А.Абдуазизов, Д.Ашурова, Ш.Сафаров, Ў.Юсупов, А.Маматов ва бошқа тадқиқотчилар лингвокультурология соҳасига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Лингвокультурология – маданият ва тилнинг қўлланиш жараёни мақомидаги ўзаро таъсирлашувларни ўрганувчи фандир. Лингвокультурологик тадқиқотлар социолингвистика, этнолингвистика, психолингвистика, лингвомамлакатшунослик, маданиятшунослик ва бошқа шунга яқин соҳалараро миқёсда олиб борилади.

Лингвокультурологиянинг тарихи ҳақида мулоҳаза юритилганда, у уч даврга ажратилишини қайд этиш лозим. Биринчи давр - В.Гумбольдт, А.А.Потебня, Э.Сепир каби олимларнинг тадқиқотларини ўз ичига олади.

Иккинчи давр эса лингвокультурология фанинг мустақил тадқиқот соҳасига айланиш давридир. Ҳозирги пайтда лингвокультурологик изланишларнинг катъий ривожланаётганлигини таъкидловчи баъзи тилшунослар, жумладан, В.А.Маслова яна бир босқичнинг, яъни учинчи даврнинг пайдо бўлганлигини тахмин қилади. Унинг фикрича, ҳозирги пайтда лингвокультурология умумий тилшуносликдаги бошқа соҳалар билан мустаҳкам боғланган бўлиб, алоҳида фан сифатида шакилланмоқда.

Шундай экан, ҳамма фанлар каби лингвокультурология ўз вазифа, мақсад, объект ва бошқа хусусиятларни ўзида мужассамлаштиради.

Профессор Д.Ашурова фикрича, лингвокультурологиянинг энг муҳим вазифаларидан бири – методологик шарт-шароитларни аниқлаштириш, тадқиқотларнинг концептуал қонун-қоидалари ҳамда маданият нуқтаи назаридан ажратиб олинган тил бирликларини (лингвокултуремалар) тизимга солиш ва таснифлаш муаммоларини ишлаб чиқиш ҳисобланади(1, 37-40).

В.В.Воробьев "лингвокультурология – синтезловчи тоифадаги комплекс илм соҳаси бўлиб, у маданият ва тил ўртасидаги ўзаро алоқалар ва таъсирлашувларни ўрганади ва бу жараённи ягона лисоний ва нолисоний (маданий) мазмунга эга бирликларнинг яхлит таркиби сифатида мазкур жараённи замонавий нуфузли маданий устиворликларга (умуминсоний меъёрлар ва қадриятлар) қаратилган тизимли методлар ёрдамида акс эттиради", - деб кўрсатади(2). Ушбу тушунчаларнинг ўзаро фарқли жиҳатларини профессор Ў. Юсупов қуйидагича изоҳлайди: “Лингвокултурема – ўз семантикасида (маъносида) маданиятнинг бирор бўлагини акс эттирувчи тил ёки нутқ бирлиги. Лингвокултуремаларга маданиятнинг бирор бўлагини акс эттирувчи сўзлар, фразеологик бирликлар, сўз бирикмалари, гаплар, паремиялар, нутқ клишелари, мураккаб синтактик бутунликлар, матнлар ва ҳоказолар киради. Лингвокултурема мазмун ва ифода планига эга, ифода плани юқорида кўрсатилган бирликлар, мазмун планини эса ўша бирликларнинг семантикаси ташкил қилади. Демак, лингвокултурема концептдан ўзининг мазмун ва ифода планига эга бўлиши билан фарқ қилади”.

Ў. Юсуповнинг фикрича, лингвокультурология учун халқ маданиятини лисоний кўринишда намоён этиш асосий вазифа ҳисобланади. Унингча, "лингвокультурема" тушунчаси қиёсий тилшунослик учун фойдали, "зеро тил – маданий факт, биз мерос қилиб оладиган маданиятнинг таркибий қисми ва айни пайтда қурол ҳамдир. Халқ маданияти тил орқали вербаллашади, айнан тил маданиятнинг таянч, асосий тушунчаларини ҳаракатга келтиради ва уларни белгилар кўринишида, яъни сўзлар воситасида ифода этади"(10, 9-15).

В.Н.Телия лингвокультурологияни “тил ва маданият корреспонденцияларини ўзаро синхрон таъсирлашувлари миқёсида ўрганиш ва талқин этиш”га бағишланган тадқиқотида, этнолингвистиканинг бир қисми сифатида эътироф этади (8, 217). Лингвокультурологиянинг синхронлик сифатини бундай тушуниш А.А. Потебня, В.В. Виноградов, М.М. Покровский, Д.С. Лихачев, Ю.М. Лотман ва бошқа олимлар томонидан айтилган тилнинг тасвирий ифода воситалари этномаданий ўзига хослиги ҳақидаги фикрлари билан боғлиқ.

В.А.Маслова лингвокультурологиянинг объектли-предметли соҳасига кенгроқ назар ташлади ва гуманитар фанларнинг мазкур доирасида бир неча йўналишларни аниқлади (4, 28-29). Унинг фикрича, лингвокультурология тилни маданият ҳодисаси сифатида ўрганади. Бу тилни миллий тил призмаси орқали кўриш имконини беради. Бунда тил ўзига хос миллий менталликнинг ифодаловчиси сифатида намоён бўлади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, XIX асрда В.Гумбольдтнинг тил ва тафаккур муносабатларини ўрганишда миллат маданиятига асосий эътибор берилиши лозимлиги ҳақидаги мулоҳазалари XX асрнинг 90-йилларида қатор тилшунослар томонидан янги фан лингвокультурологиянинг юзага келишига сабаб бўлиб, ушбу фан ҳозирги замон тилшунослигида ўта тез суръатларда ривожланиб, умумий тилшуносликдан алоҳида ўрин эгаллади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ашурова Д.У. Перспективы научных исследований в свете новых направлений лингвистики // Филология масалалари. – 2004, – № 4.
2. Воробьев В.В. Лингвокультурология. Теория и методы. – М., 1997.
3. Маслова В.А. Введение в когнитивную лингвистику (Учебное пособие). – М: Флинта – Наука, 2004.
4. Маслова В.А. Введение в лингвокультурологию. – М., 1997.
5. Сафаров Ш.С. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006.
6. Сенкевич А.Н. Общество. Культура. Поэзия (Поэзия хинди периода независимости). – М., 1989.
7. Сепир Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии. – М.: Прогресс, 1993.
8. Телия В.Н. Метафоризация и ее роль в создании языковой картины мира. – М.: Наука, 1999.

9. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I.I. – М: Русский язык, 1981.

10. Юсупов Ў.Қ. Тилшуносликда янги йўналишлар ва уларда ишлатиладиган айрим истилоҳлар // Филология масалалари.– 2011. – № 2.